

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI

15 Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкогольли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкогольли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва амалий аҳамиятини тадбиркорлик субъектлари орасида кенг ёритиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 31 декабрь,
353-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 31 декабрдаги 353-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли
маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва
фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги
гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартибини белгилайди.

2. Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳнома (кейинги ўринларда гувоҳнома деб аталади) ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схема ва шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилади.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир фаолиятни лицензиялаш бўйича комиссияси томонидан белгиланган тартибда берилган алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган юридик шахсларга татбиқ этилади.

4. Гувоҳнома алкоголли маҳсулотларни фақат унда кўрсатилган алкоголли маҳсулотларни қўйиш линияларида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линиялари деганда алкоголли маҳсулот қўйиш учун мўлжалланган асосий технологик ускуналар тушунилади.

Алкоголли маҳсулот қўйиш учун мўлжалланган асосий ускуналарнинг рўйхати мазкур Низомга 3-иловада келтирилган.

5. Гувоҳнома алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиянинг амал қилиш муддатига берилади.

II. Рухсат бериш талаблари ва шартлари

6. Гувоҳнома берилган алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига (кейинги ўринларда ягона реестр деб аталади) киритишда рухсат бериш талаблари ва шартларига қўйидагилар тегишлидир:

алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини киритишда юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

юридик шахснинг номи ёки турган жойи (почта манзили) ўзгарганлиги

тўғрисида қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнида ДСҚни хабардор қилиш;

тегишли стандартлар талабларига, шунингдек экологик, санитария-гигиеник ва бошқа нормалар ва қондаларга сўзсиз риоя қилиш;

алкоголли маҳсулотлар қўйишни фақат гувоҳномада кўрсатилган алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларида амалга ошириш.

7. Алкоголли маҳсулотлар қўйишнинг ҳар бир линиясига юридик шахсга алоҳида гувоҳнома берилади.

III. Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Гувоҳнома олиш учун юридик шахс ДСҚга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича гувоҳнома бериш тўғрисида ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир фаолиятни лицензиялаш бўйича комиссияси томонидан берилган алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиянинг нусхаси;

г) алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларининг ускуналарига паспортларнинг нусхалари;

д) юридик шахснинг қўйиш линияларига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, шу жумладан, алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини харид қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келиниши тўғрисида шартномалар (битимлар, контрактлар ва ҳоказолар)нинг нусхалари.

9. Юридик шахсдан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар юридик шахс томонидан ДСҚга бевосита, олинганлиги тўғрисида билдиришнома олинган ҳолда почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

11. Гувоҳнома олиш учун ДСҚга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол юридик шахсга берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Гувоҳнома бериш тўғрисида юридик шахснинг аризаси ДСҚ томонидан кўриб чиқилганлиги ва гувоҳнома берилганлиги учун йиғим ундирил-

майди. Аризани кўриб чиқиш муддати гувоҳнома бериш тўғрисида юридик шахснинг аризаси қабул қилинган санадан бошлаб 20 иш кунини ташкил этади.

13. Гувоҳнома бериш «бир ойна» тамойили бўйича амалга оширилади.

Такдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгандан кейин ДСҚ гувоҳнома бериш тўғрисида юридик шахснинг аризаси қабул қилинган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига (кейинги ўринларда «Ўзстандарт» агентлиги деб аталади) тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда алкоғолли маҳсулотлар қўйиш линияларини Ягона реестрга киритиш имконияти тўғрисидаги аризани бериш бўйича ёзма билдиришномани юборади.

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлиги кўрсатиб ўтилган хулосани бериш бўйича ДСҚнинг ёзма билдиришномасини ва юридик шахснинг такдим этилган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб билдиришнома олинган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида, такроран кўриб чиқилганда эса — беш иш куни мобайнида ДСҚга алкоғолли маҳсулотлар қўйиш линияларини ушбу Низомга 5 ва 6-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича Ягона реестрга киритиш имконияти тўғрисидаги аризани ёки асосланган салбий хулосани юборади.

14. «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигининг ижобий хулосалари асосида ДСҚ тегишли ижобий хулосалар олинган санадан бошлаб етти иш куни мобайнида алкоғолли маҳсулотлар қўйиш линияларини Ягона реестрга киритиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради. Гувоҳнома юридик шахсга тилхат остида чопар орқали топширилади ёки тегишли билдиришнома олинган ҳолда унга почта орқали буюртмали хат билан юборилади.

Агар ДСҚ гувоҳнома бериш тўғрисида юридик шахснинг аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигидан хулоса олмаган бўлса ва (ёки) юридик шахсга гувоҳномани бермаган бўлса ёки уни беришни рад этмаган бўлса, у ҳолда ариза қабул қилинган санадан бошлаб йигирма иш куни тамом бўлгандан кейин юридик шахс бу ҳақда ДСҚни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда алкоғолли маҳсулотларни қўйишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу банднинг иккинчи хат бошида назарда тутилган ҳолатда, ДСҚ юридик шахснинг ёзма билдиришномаси олинган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида унга гувоҳнома беришга мажбурдир. Гувоҳнома олингунга қадар такдим этилган ҳужжатлар рўйхати улар қабул қилинган сана тўғрисидаги белгилар ва юридик шахс томонидан ДСҚга юборилган ёзма билдиришнома билан биргаликда гувоҳномага тенглаштирилади ва алкоғолли маҳсулотларни қўйиш учун асос ҳисобланади.

15. ДСҚ тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш куни мобайнида юридик шахсларга гувоҳномани беради (юборади) ёки гувоҳнома бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда уларни хабардор қилади.

16. Қўйдагилар гувоҳнома бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади:

юримдик шахс томонидан гувохнома бериш учун зарур бўлган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

юримдик шахснинг рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

юримдик шахс томонидан тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотлар мавжудлиги;

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигининг асосланган ёзма хулосалари.

Бошқа асослар, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслик сабаби билан гувохнома бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

17. Гувохномани бериш рад этилган тақдирда ДСҚ рад этиш сабабларини, қонун хужжатларининг аниқ нормаларини ва юримдик шахс кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда билдиришномани ёзма шаклда юборади (топширади).

Бунда юримдик шахс рад этиш сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат гувохномани беришни рад этиш тўғрисида ёзма билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

18. Юримдик шахс томонидан гувохномани беришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш ДСҚ томонидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисида юримдик шахснинг аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

19. Хужжатларни такроран кўриб чиқишда ДСҚ томонидан олдин ариза берувчига ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

20. Гувохнома беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин юримдик шахс томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади ва ДСҚ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

21. Юримдик шахс гувохномани бериш рад этилиши, шунингдек ДСҚ, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигининг мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

V. Гувохномани қайта расмийлаштириш, гувохноманинг дубликатларини бериш

22. Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линиялари асосий технологик ускуналарининг таркиби ўзгарган тақдирда юримдик шахс таркиби ўзгартирил-

ган ускуналарга мазкур Низом билан белгиланган тартибда янги гувоҳнома олиши шарт.

Юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнида ДСҚга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар юридик шахс томонидан ДСҚга бевосита, олинганлиги тўғрисида билдиришнома олинган ҳолда почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Юридик шахснинг гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси ДСҚ томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

23. Гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган юридик шахс ариза қабул қилинган сана тўғрисида ДСҚнинг белгиси билан биргаликда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган ариза асосида алкоғолли маҳсулотларни қуяди.

24. Гувоҳнома қайта расмийлаштирилгандан кейин ДСҚ Ягона реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади. Қайта расмийлаштириш ва гувоҳномани бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза ДСҚ томонидан олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

25. Гувоҳнома йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда юридик шахснинг аризасига кўра унга гувоҳноманинг дубликати берилади.

ДСҚ гувоҳноманинг дубликатини ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, шунингдек гувоҳнома яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда — унинг асл нусхасини беришга (юборишга) мажбурдир.

VI. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, гувоҳномани бекор қилиш

26. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, гувоҳномани бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

27. ДСҚ, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ушбу Низом талабларига мувофиқ алкоғолли маҳсулотлар қуйиш линияларидан фойдаланиш бўйича биргаликда олиб бориладиган мониторингдан бош тортиш гувоҳноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўлувчи рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига тегишли бўлади.

VII. Ягона реестрни юритиш тартиби

28. ДСҚ Ягона реестрда берилган ва бекор қилинган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

29. Ягона реестрни юритиш ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.

30. Ягона реестрдаги мавжуд маълумотлар ДСҚнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиш учун очиқ бўлади.

VIII. Алкоголли маҳсулотларни қуйиш линияларини Ягона реестрдан чиқариш

31. Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларидан (ёки унинг бир қисмидан) фойдаланиш тўхтатилганда ёки улар бошқа шахс тасарруфига берилганда, шунингдек алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилганда юридик шахс беш иш куни мобайнида Давлат солиқ қўмитасига, мазкур гувоҳнома бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш учун, ушбу ускунани балансдан ҳисобдан чиқариш ва (ёки) уни утиллаштириш тўғрисидаги далолатномани илова қилган ҳолда гувоҳноманинг асл нусхасини, шунингдек алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларининг олди-сотди шартномасининг нусхасини тақдим этиши шарт.

32. Ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ДСҚда ва «Ўзвინосаноат-холдинг» ХКда сақланади.

Ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан кейин алкоголли маҳсулотларни қуйишнинг тегишли линиялари ДСҚ томонидан Ягона реестрдан чиқарилади.

IX. Яқунловчи қоидалар

33. «Ўзвინосаноат-холдинг» ХК Ягона реестрга киритилган алкоголли маҳсулотларни қуйиш линияларидан фойдаланиш устидан доимий мониторинг олиб боради ва бир йилда бир марта ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5-иш кунигача ДСҚга ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этади.

34. ДСҚ «Ўзвინосаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда ушбу Низом талабларига мувофиқ алкоголли маҳсулотларни қуйиш линияларидан фойдаланиш бўйича мониторинг олиб боради.

35. Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларидан уларни Ягона реестрга киритмасдан фойдаланганлик учун ва мазкур Низом талабларини бузган юридик шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш чоралари қўлланади.

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли
маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланиш-
нинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги
СХЕМА**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1- босқич	Юридик шахс — гувоҳнома талабгори	Низомда назарда тутилган рўйхатга мувофиқ гувоҳномани олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ҳужжатларни бевосита, олинганлиги тўғрисида билдиришнома олинган ҳолда почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
↓			
2- босқич	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1. Гувоҳнома олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади ва ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига берилади (юборилади). 2. «Ўзвინосаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда алкоголли маҳсулотларни қўйиш линияларини Ягона реестрга киритиш имконияти тўғрисида хулоса бериш бўйича ёзма билдиришномани юборди.	1) Ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) Ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда.
↓			
3- босқич	«Ўзвინосаноат- холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлиги	1. Алкоголли маҳсулотларни қўйиш линияларини Ягона реестрга киритиш имкониятини ўрганиб чиқади ва бу тўғрисида ДСКҒга хулосани юборди. 2. Ҳужжатни такроран кўриб чиқиш.	1) ДСКдан ёзма билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунни мобайнида; 2) Беш иш кунни мобайнида.
↓			
4- босқич	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1. «Ўзвინосаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлигининг ижобий хулосаси асосида гувоҳномани расмийлаштиради ва юридик шахсга тилхат остида чопар орқали беради ёки буюртмали хат билан почта орқали унга юборди. 2. Рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда гувоҳномани беришни рад этиш тўғрисида юридик шахсни ёзма шаклда хабардор қилади.	1) Тегишли ижобий хулосалар олинган санадан бошлаб етти иш кунни мобайнида; 2) Тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунни мобайнида.
↓			
5- босқич (зару- рат бўл- ганда)	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	Рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар белгиланган муддатда ариза берувчи томонидан баргараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, гувоҳномани бериш ёки уни беришни рад этиш сабаблари баргараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари баргараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.	Гувоҳномани бериш рад этилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатда

2 (606)-сон

— 27 —

15-модда

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини алкоголли
маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва
фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

№ _____

_____ га
(ўрнатилган, жойлашган жойи (почта манзили))

_____ га
(юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг индивидуал рақами (СТИР))

_____ Ягона реестрга
(асбоб-ускунанинг номи)
киритилганлиги тўғрисида берилди.

Маркаси _____ йилда ишлаб чиқарилган

Завод рақами _____ Ўрнатилган йили _____ й.

Тайёрловчи _____

Гувоҳнома «Ўзвиносаноат-холдинг» ХКнинг 20__ йил «__» _____ даги
_____-сон ва «Ўзстандарт» агентлигининг 20__ йил «__» _____ даги
_____-сон хулосалари асосида берилди.

(Ф.И.О.) _____
(имзо)

20__ й. «__» _____

М.Ў.

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотларни қўйиш учун мўлжалланган
асосий технологик ускуналар
РЎЙХАТИ**

1. Алкоголли маҳсулотлар қўйиш учун қадоқлаш машиналари.
2. Шиша ювиш машиналари.
3. Пробкалагич машиналар.
4. Шишалардаги маҳсулотни визуал назорат қилиш қурилмаси.
5. Акциз маркаларини ёпиштириш машиналари.
6. Ёрлиқ ёпиштириш машиналари.
7. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ҳисобга олиш асбоблари.

Изоҳ: қўйиш линияларида мазкур рўйхатга кирмаган бошқа қурилмалар мавжуд бўлса, уларни хулосада акс эттириш керак. Эсдалик алкоголли маҳсулотлар қўйиш линиясида 5 ва 6-бандларда кўрсатилган технологик ускуна мавжудлиги мажбурий талаб ҳисобланмайди.

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

(юридик шахснинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли,

унинг жойлашган жойи (почта манзили) ва
солиқ тўловчининг индивидуал рақами (СТИР)

АРИЗА

Аризага илова қилинаётган, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган _____ бирлик ускунани ўз ичига оладиган алкоголли маҳсулотлар қўйиш линиясига доир ҳужжатларни (рўйхат илова қилинмоқда) алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг Ягона реестрига киритиш учун қўриб чиқишни сўрайман.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

2. Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиянинг нусхаси.

3. Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларининг ускуналарига гигиеник сертификатларнинг нусхалари.

4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш учун приборларни текшириш тўғрисидаги сертификатлар нусхалари.

5. Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларига юридик шахснинг мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари, шу жумладан алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини сотиб олганлик ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирганлик тўғрисидаги шартномаларнинг (битимлар, контрактларнинг ва шу кабиларнинг) нусхалари (улар мавжуд бўлган тақдирда).

Ташкилот раҳбари _____
(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер _____
(Ф.И.О.)

М.Ў.

20____ йил «__» _____

15-модда

— 30 —

2 (606)-сон

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**«Ўзвиносаноат-холдинг» ХКнинг алкоголли маҳсулотлар
қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг
Ягона реестрига киритиш имконияти тўғрисидаги
ХУЛОСАСИ**

№ _____

20__ йил «__» _____

_____та асосий технологик усқунани ўз ичига олувчи (рўйхат хулосага
илова қилинади) ва алкоголли маҳсулотлар қўйиш учун мўлжалланган

алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияси _____

(юридик шахснинг номи, солиқ
тўловчининг индивидуал рақами (СТИР))

(жойлашган жойи (почта манзили))

(ўрнатилган жойи)

белгиланган талабларга мувофиқдир ва алкоголли маҳсулотлар қўйиш ли-
нияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритилиши
мумкин.

Раҳбар (Ф.И.О.) _____
(имзо)

20__ й. «__» _____

М.Ў.

**Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линиялари таркибига кирувчи
асосий технологик ускуна турлари
РЎЙХАТИ**

(юридик шахснинг номи)

Т/р	Ягона реестрга киритилган тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва берилган санаси	Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи	Корхонанинг юридик манзили	СТИР	Лицензия(лар) бўйича маълумотлар				Қўйиш линиясининг паспортига оид маълумотлар							«Ўзстандарт» агентлиги хулосасининг рақами ва санаси	Гигиеник сертификатнинг рақами ва берилган санаси	«Ўзвиносаноат-холдинг» хулосасининг рақами ва санаси	Давлат солиқ қўмитасининг гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги қарорининг рақами ва санаси	
					уларга лицензия берилган маҳсулот турлари	лицензиялар рақамлари	лицензия берилган сана	лицензия бўйича маҳсулотнинг йиллик ҳажми, минг дал	ускунанинг тури, маркази	етказиб берувчининг номи	келиб чиқиш мамлакатининг номи	ишлаб чиқарилган йили	ўрнатилган йили	завод рақами	иш унумдорлиги					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

15-модда

— 32 —

2 (606)-сон

Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлашти-
риш агентлигининг алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига киритиш
имконияти тўғрисидаги
ХУЛОСАСИ**

№ _____

20__ йил «__» _____

_____та асосий технологик усқунани ўз ичига олувчи (рўйхат хулосага
илова қилинади) ва алкоголли маҳсулотлар қўйиш учун мўлжалланган

алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияси _____

(юридик шахснинг номи, солиқ
тўловчининг индивидуал рақами (СТИР))

(жойлашган жойи (почта манзили))

(ўрнатилган жойи)

белгиланган давлат стандартларига мувофиқдир ва алкоголли маҳсулотлар
қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрига ки-
ритилиши мумкин.

Раҳбар (Ф.И.О.) _____
(имзо)

20__ й. «__» _____

М.Ў.

**Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линиялари таркибига кирувчи
асосий технологик ускуналар турлари
РЎЙХАТИ**

_____ (юридик шахснинг номи)

Т/р	Ускунанинг типи, маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Завод рақами	Ўрнатилган йили	Етказиб берувчининг номи	Ишлаб чиқарувчининг номи
1	2	3	4	5	6	7

Ташкилот раҳбари _____ (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О.)

М.Ў. 20__ й. «__» _____

Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини
алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини
ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

15-модда

**Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг
ЯГОНА РЕЕСТРИ**

1	2	3	4	5	Лицензия(лар) бўйича маълумотлар				Қуйиш линиясининг паспортига оид маълумотлар								18	19	20	21	22	23
					6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17						
					уларга лицензия берилган маҳсулот турлари	лицензиялар рақамлари ва берилган санаси	лицензиянинг амал қилиш мuddати	лицензия бўйича маҳсулотнинг йиллик ҳажми (минг дал)	ускунанинг тури, маркази	етказиб берувчининг номи	келиб чиқиш мамлакатининг номи	инглаб чиқарилган йили	ўрнатилган йили	завод рақами	иш унумдорлиги	Дубликат беришнинг асоси ва берилган санаси	Гувоҳномани қайта расмийлаштириш рақами ва санаси	«Ўзстандарт» агентлиги ҳулосасининг рақами ва санаси	Гигиеник сертификатнинг рақами ва берилган санаси	«Ўзвиносаноат-қолдир» ҳулосасининг рақами ва санаси	Давлат солиқ қўмитасининг гувоҳномани бекор қилиш ёки амал қилишни тўхтатиш бўлиғидаги қарорининг рақами ва санаси	

Алкоғолли маҳсулотлар қуйиш линияларини
 алкоғолли маҳсулотлар қуйиш линияларини
 ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона
 реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳномани
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга
 8-ИЛОВА

2 (606)-сон

**Алкоғолли маҳсулотлар қуйиш линияларини ҳисобга олиш ва
 улардан фойдаланиш бўйича
 АХБОРОТ**

20__ йилнинг _____ — _____ ойлари учун

Қуйиш линия- сининг реестр бўйича тартиб рақами ва реестрга киритиш санаси	Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи	СТИР	Лицензия (лицензиялар) бўйича маълумотлар				Қуйиш линияларининг ҳолати			Ҳисобот даври учун маҳсулот ишлаб чиқа- риш ҳажми, минг дал
			лицензия берилган маҳсулот турлари	лицензиялар рақами	лицензия берилган сана	лицензия бўйича маҳсулотнинг йиллик ҳажми, минг дал	фойдала- ниляпти	фойдала- нилмаяпти	консерва- цияланган	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

20__ йил «__» _____

_____ раҳбар
(имзо, Ф.И.О.)

— 35 —

15-модда